**Ҳунардан унар** ✡ 3-бет



Зилола жудаям тиришқоқ эди. Сира тинч ўтирмас, тунлар алламаҳалгача пайпоқ, жемпер ва шунга ўхшаш нарсалар тўқир, унинг буюмлари ётоқхонадагилардан деярли ортмас, ортганларини эса қўшнимиз ўзи ишлайдиган боғчага олиб бориб сотиб келарди. Шунинг учун ҳам Зилола отаси ёки акасига оғирини ташламас, ўз кунини ўзи кўрарди.

**Кўзнинг чўпдан ҳадиги бор** ✡ 6-бет



Нафс ёмон нарса, у бир ҳакалак отса, унча-мунча одам лаб-лунжини йиғиштириб ололмайди.

**Либос ичидаги «дард»** ✡ 8-бет



Бугунги даврда қандай кийиниш керак деган савол кўпчиликни ўйлантиради. Ривожланган мамлакатларда бу борада либоснинг ҳар томонлама қулайлиги муҳим аҳамиятга эга. Хорижликлар урфга қараб кийинишдан кўра соғлиғига фойда келтирадиган либосларни афзал кўради.


*Insonga naf keltirish — oliy baxt*



# Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2008-yil 20-dekabr,
shanba
№151-152 (2565)


•Эл-юрт манфаати йўлида беғараз ва савоб иш қилиш, одамларнинг дарду ташвишларини ўзига яқин олиш каби халқимизга азалдан мансуб бўлган ана шундай хусусият ва фазилатлар, албатта, барчамизга ифтихор бағишлайди ва биз қандай улуғ зотларнинг фарзандлари эканимизни ҳис қилиб, шунга муносиб бўлиб яшашга даъват этади.

**Ислом КАРИМОВ**

## Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига

*Қадрли дўстлар!*

*Авваламбор, сиз азизларни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.*

*Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Навоий шаҳри ва Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган Навоий кон-металлургия комбинати тарихан қисқа даврда ҳар томонлама ҳурмат ва ифтихорга муносиб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди, мураккаб синов ва машаққатларни бошидан кечириб, улкан муваффақиятларга эришди ва дунё миқёсида шуҳрат қозонди.*

*Бундан ярим аср муқаддам бепоён Қизилқум бағрида қад ростлаган, нафақат республикамизда, балки жаҳондаги кўплаб мамлакатларда кенг танилган, бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатиб келаётган мана шундай қудратли ва кўптармоқли замонавий ишлаб чиқариш комплекси ва унинг негизида барпо этилган, тобора обод бўлиб бораётган азим Навоий шаҳри халқимиз бунёдкорлик даҳосининг, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, янгиланиш ва модернизация жараёнларининг ёрқин намоёни сифатида барчани ҳайратда қолдиради.*

*Ўз таркибида бешта кон бошқармаси ва ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш объектларини бирлаштирган ушбу комбинат Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод ва Нуробод каби шаҳарларнинг ҳам вужудга келиши учун асос бўлди. Бу шаҳарларнинг ҳар бирини чўл қўйнидаги мўъжиза, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ҳозирги пайтда бу ҳудудда минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.*

*Бугунги қувончли кунда биз оғир ва мураккаб иқлим шароитида жонбозлик кўрсатиб, энг замонавий юксак технологияга асосланган ушбу мажмуани бунёд этган, ўзининг ҳалол меҳнати ва маҳорати билан кўп минг кишилик юқори малакали жамоанинг шуҳратини юксалтиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизга, ўз ҳаётини комбинат билан боғлаган барча инсонларга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этамиз.*

*Ҳурматли дўстлар!*

*Мустақиллик йилларида тарихий адолатни тиклаб, Навоий вилоятини қайта ташкил этганимиз бу минтақани жадал ривожлантириш, энг муҳими, ана шу саховатли заминдан қазиб олинаётган бебаҳо бойликларни эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатиш борасида янги уфқ ва имкониятларни очиб берди ва бунинг қандай улкан аҳамиятга эга бўлганини ҳаётнинг ўзи бугун тасдиқламоқда.*

*Айниқса, ўтиш давридаги жиддий иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларга қарамасдан, биз Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати ва имкониятларини, унинг ноёб кадрлар салоҳиятини наинки сақлаб қолишга, айни пайтда келажакни ўйлаб, уни энг юксак талаблар ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган илғор технологиялар асосида янада барқарор ривожлантиришга эришдик.*

*Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур хомашёнинг ҳаммаси айнан шу комбинатда тайёрланмоқда. Бугунги кунда дунёдаги нуфузли Лондон ва Токио қимматбаҳо металлар биржаларида ўзбек олтини ўзининг юксак сифати билан муносиб баҳоланмоқда. Кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир ва қимматбаҳо металлар, фосфорит хомашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётгани, янги замонавий корхоналарнинг қурилиб ишга туширилаётгани Навоий кон-металлургия комбинатининг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.*

*Алоҳида таъкидлаш керакки, барчамизни мамнун этадиган бундай ютуқ ва натижаларга аввало ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, энг асосийси, кўпмиллатли комбинат жамоасининг фидокорона меҳнати, ишга профессионал ва ижодий ёндашуви, бунёдкорликка бўлган интилиши, ўз касбига садоқати ҳисобидан эришилмоқда.*

*Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларининг, Навоий шаҳри, вилоятнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларида яшаётган одамларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати туфайли нимаики яратилган ва яратилаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қараш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Айнан Навоий вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технология қувватларининг кенг тармоғини яратиш бўйича яқинда қабул қилинган қарор замирида ҳам аввало бу минтақанинг беқиёс имкониятлари, унинг ҳудудий ўрни, улкан меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳияти мужассамдир.*

*Мен учун қадрдон бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг меҳнатда тобланган аҳил ва фидойи жамоасини, Навоий шаҳри аҳлини ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, иш фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА ШАҲАР ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатимизнинг ер ости бойликларини ўзлаштириш, иқтисодий ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг халқаро нуфузини ошириш, кон-металлургия саноатини замонавий асосда ривожлантириш ҳамда Навоий шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, меҳнатда эришаётган катта муваффақиятлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»**

**Абдуллаев Бобоназар Нурбўтаевич** — "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамияти куйдириш цехининг машинисти

**Рўзиев Тоҳир Аҳмедович** — Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси директори

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи"**

**Жўраев Тўрақул Рамазонович** — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг 1-қурилиш участкаси бетончиси

**Очилов Усмон Ҳакимович** — Навоий шаҳридаги 10-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бош муҳандиси

*Кўп йиллик фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, кон-металлургия саноатига илғор технологияларни жорий этиб, улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан**

**Заболотний Валерий Радионович** — Навоий кон-металлургия комбинати "Мурунтов" конининг бурғулаш участкаси бошлиғи

**Шарипов Абдурауф Убайдуллаевич** — Навоий қурилиш бошқармасига қарашли 2-қурилиш-монтаж участкасининг электргаз пайвандчиси

**Эшимов Баҳодир Саматович** — Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводининг таъмирловчи-чилангари

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Леонтьев Вячеслав Владимирович** — Навоий кон-металлургия комбинати 1-геотехнологик конининг участка электрмеханиги

**Никитанов Виктор Викторович** — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг 3-Гидрометаллургия заводи директори

**Норов Насим Баракаевич** — Навоий шаҳридаги "Ҳумо" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Саидова Дилбар Ҳамидовна** — Навоий кон-металлургия комбинати уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Умарова Салима Баҳроновна** — Навоий вилоятидаги "Дўстлик байроғи" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

**Федулов Сергей Александрович** — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси темир йўл транспорти бошқармасининг тепловоз машинисти

**Ҳотамов Шукурилла Рўзимуродович** — Навоий кон-металлургия комбинати "Мурунтов" кони "Шарқ" участкасининг экскаватор машинисти

**«Дўстлик» ордени билан**

**Душкин Анатолий Никифорович** — Навоий шаҳри Рус миллий маданий маркази раиси

**Ермекбаев Бобоқул Яхчиликович** — Навоий кон-металлургия комбинати геология бўлими бош геологининг гидрогеология бўйича ўринбосари

**Коваленко Петр Владимирович** — Навоий кон-металлургия комбинати назорат-ўлчов асбоблари ва автоматикаси марказий лабораториясининг чилангар-таъмирловчиси

**Норбоев Абдираҳим** — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармасининг бурғулаш ишлари участкаси бошлиғи

**Раупов Холмамат Рашидович** — Навоий давлат кончилик институтининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири

**Тарасов Сергей Николаевич** — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси "Давгизтов" конининг 5-кондан фойдаланиш участкаси экскаватор машинисти

**Тўхтамишов Мияссар Музаффарович** — "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

**Хаустова Валентина Владимировна** — Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий лойиҳалаш бюроси бошлиғи

**Шлемова Ирина Владимировна** — Навоий шаҳридаги "Олтин сув" республика сузиш марказининг спортчи-йўриқчиси

***(Давоми 2-бетда)***

## Тошкент вилоятининг юксак салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш — долзарб вазифа

***Аввал хабар қилинганидек, шу йил 16 декабр куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқнинг баёни эълон қилинмоқда.***

Юртбошимиз аввало, Тошкент вилоятининг улкан салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, унумдор тупроғи, бутун дунёга машҳур ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма ва коммуникациялари, бетакрор иқлими ва табиати ҳақида тўхталиб, воҳанинг кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган, меҳнаткаш ва мард халқига ўз ҳурматини билдирди.

Истиқлол йилларида ана шу салоҳиятни янада юксалтириш, вилоятнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, йирик ижтимоий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўп иш қилинмоқда. Биргина 2008 йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 9 фоиз, хизматларнинг умумий ҳажми эса 30 фоизга ўсгани шу йўлдаги ҳаракатлар изчил давом этаётганини кўрсатади.

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 987 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг 110 миллиард сўмдан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, 83 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Вилоятда саноат соҳасини модернизация қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги икки йил давомида Олмалиқ шаҳридаги «Аммофос» заводида минерал ўғитлар, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия комбинатида катанка ва электрод ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилгани, Ўртачирчиқ туманида полиэтилен плёнкаси тайёрлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилгани ва бошқа мисоллар шундан далолат беради.

Вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан рақобатдош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида кейинги пайтда 9,7 миллион доллар қийматидаги 20 дан ортиқ минитехнология олиб келиб ўрнатилгани ва ишга туширилгани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Ўтган давр мобайнида вилоятда шаҳар-қишлоқларнинг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда, айниқса, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини ривожлантириш, аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш ва юксалтиришга қаратилган йирик лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

***(Давоми 2-бетда)***




**Янги йил кирмай туриб, қалбимизни, кўча ва хиёбонларни янги йил шукуҳи қамраб олмоқда. Айниқса, Мустақиллик майдонида қад ростлаган муҳташам арча атрофидаги шод-хуррамлик эрта тонгдан кечгача давом этмоқда.**

**Арча атрофида ўйин-кулги қилаётган ҳамюртларимизга таниқли санъаткорлар иштирокидаги дастурлар алоҳида завқ бағишламоқда.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**






# Ҳунардан унар

Қишлоғимизга келин бўлиб тушган Зебинисо янганинг мана бу иқрори ҳеч ёдимдан чиқмайди.

— Қандай ҳунарингиз бор, деб сўраб қолишди бир куни. Мен бўлсам ўзимча керилиб, «сотувчилик» дебман. Улар роса кулишди. «Бу ҳунар эмас, касб-ку. Дарҳақиқат, ургутлик қизлар дўппи, кашта тикиш, зардеворга гул солиш сингари қатор ҳунарларни мукаммал эгаллашган. Қишлоқ аҳли ўзаро қуда-анда бўлиб кетганлигининг бош сабабларидан бири ҳам шу. Сабаби, яхши қиз ёнида бўлгач, узоқдан қиз қидиришнинг нима зарурати бор.

Йигитлар эса эшик-ром, нақшли дарвозалар, сандиқ, хонтахта, шкаф, ҳатто диван-кресло, ўроқ, чалғи, кетмон, паншаха, пичоқ ва бошқа асбоблар ясашнинг моҳир устаси.

Яна бир воқеа хотирамда тез-тез жонланади. Бундан анча йиллар олдин (ёзги таътилда) университетнинг ишчилар ётоқхонасида турардим. Ҳамхонам Зилоланинг чап қўли ярмидан йўқ бўлиб, эътиборни тортмаслик учун протез тақиб, устидан бинт билан ўраб олар, асосан, енги узун кўйлакда юрарди. Бора-бора қадрдон дугоналарга айландик. У кўпинча барвақтроқ келар ва таом тайёрлар, шунингдек, бошқа юмушларни ҳам чаққон бажарар, мен эса бундан жуда ажабланардим.

Зилола жудаям тиришқоқ эди. Сира тинч ўтирмас, тунлар алламаҳалгача пайпоқ, жемпер ва шунга ўхшаш нарсалар тўқир, унинг буюмлари ётоқхонадагилардан деярли ортмас, ортганларини эса қўшнимиз ўзи ишлайдиган боғчага олиб бориб сотиб келарди. Шунинг учун ҳам Зилола отаси ёки акасига оғирини ташламас, ўз кунини ўзи кўрарди. Мен ҳавас билан ундан билганларини ўргандим...

Тошкентга эндигина келган кезларим пулимни беҳуда совуриб қийналиб юрардим. Ўша пайтлар кўйлакка оқ ипдан тўқилган ёқа ўрнатиш урф бўлди. Дарҳол бир талай ип сотиб олдим-да, чиройли ёқалар тўқиб, таниш-билишларга сотдим. Кейин эса оппоқ пайпоқлар ҳам тўқидим. Пировардида, қўлим пул кўриб, муҳтожлик сезмай яшадим.

Бир дугонам оилали бўлгач, анча вақтгача уйда ўтириб қолди. Кейин ҳафтасига икки кун қатнаб, ўқув марказларининг бирида қандолат маҳсулотларини тайёрлашни ўрганди. Яқинда уни кўрдим:

— Ҳафтада топаётган пулим менга етиб ортади, бошқа жойда ишлашимнинг ҳожати ҳам йўқ, — деди у.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

# Муносиб рағбатлантирилмоқда



Урганч ўт ўриш машиналари заводи акциядорлик жамияти жамоаси қувватларни янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш йўлидан бормоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини ошириб, сифатни яхшиламоқда.

Корхонада асосан озуқа экинлари ҳосилини йиғиштириш учун мўлжалланган агрегатлар, шунингдек, плуглар, сеялкалар ва бошқа кўплаб турдаги техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида икки ярим миллиард сўмликка яқин маҳсулот мижозларга етказиб берилди.

Ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланаётганлиги, баракали даромад мустаҳкам иқтисодиёт гарови бўлмоқда. Йилнинг ўтган даврида корхонанинг соф фойдаси 300 миллион сўмдан ошиб кетди.

Айни кунда ўртача иш ҳақи 250-300 минг сўмни ташкил қилаётир.

Касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасида аъзоларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, саломатликларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қатор шартлар акс эттирилган. Ҳозиргача кўп болали, кам таъминланган ходимларни моддий қўллаб-қувватлашга икки ярим миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

## Жамоа шартномаси амалда

Вилоят машинасозлик саноати ходимлари тармоқ касаба уюшмалари тасарруфида Урганч ўт ўриш машиналари заводи ҳиссадорлик жамияти каби етти корхона мавжуд бўлиб, касаба уюшмаси томонидан ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, учта жамоа шартномаси орқали меҳнат таътиллари узайтирилган бўлиб, 600 дан зиёд аъзолар бу имтиёздан фойдаланиб келмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнат муҳофазаси тадбирларига 100 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Меҳнат шароитлари яхшиланиб, тунги соатлардаги, кўп сменали иш учун устама ва қўшимча тўловлар мунтазам тўланиши қатъий назоратга олинган. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай ҳақ тўлаш жорий этилгани эса сифатга эришишга рағбат уйғотмоқда. Касб маҳорати, мураббийлиги учун ҳам қўшимча устама тўлаш йўлга қўйилди. 300 дан зиёд аъзоларга моддий ёрдам кўрсатилишига эришилди. Кам таъминланган, кўп болали оилалардан 30 дан зиёдига фарзандлари учун ўқув анжомлари олиб берилди. Ҳар йили икки марта барча ходимлар, хусусан, ёш аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш харажатлари корхона ҳисобидан қопланмоқда. Касб касаллигига чалинган 10 дан зиёд аъзоларнинг дори-дармон олишлари учун моддий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Шунингдек, ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Ёшлар йили муносабати билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг контракт пулларини тўлашга кўмаклашиш, янги оила қурган ёшларга моддий ёрдам беришга эътибор ошди.

**Эргаш МИРЗАЕВ,**
**Хоразм вилоят металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси раиси**

# Энг катта бойлигимиз бунёдкор халқимиздир



***Марғилон шаҳридаги 1-тиббиёт коллежида малакали кадрлар тайёрлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 60 нафардан ортиқ педагог-ходим ҳамширалик иши ва фармацевтика йўналишида 3745 нафар талабага билим беряпти.***

## Хориж лойиҳаси асосида

Айниқса, таълим масканининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги бунда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида коллежга «Саломатлик-1» ҳамда Япониянинг «Жайка» лойиҳаси доирасида энг замонавий ўқув жиҳозлари келтирилиб, фан ва ўқув хоналари, лабораторияларга ўрнатилди. Бу эса ёшларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Коллеж жамоасининг «Оила саломатлиги» марафонида вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллагани фикримиз исботи бўлди.

**М.МУҲАММАДЖОНОВ**

## Таълим маскани янги қиёфада

***Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғча-мактаб мажмуаси 2008-2009 ўқув йилини янги, замонавий кўринишдаги бинода бошлади.***

«Сирдарёмахсусқурилиш» МЧЖ жамоаси таълим масканида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борди. Мажмуа капитал реконструкциядан чиқарилиб, гўзал қиёфага кирди. Унинг моддий базаси ҳам тубдан яхшиланди. Янги мебеллар, ўқув жиҳозлари келтирилди. Ошхона, спорт зали, спорт майдончалари янги инвентарлар билан бойитилди. «Ёшлар йили»да амалга оширилган бундай хайрли ишлардан гулистонлик ёшларнинг боши кўкка етди.

**Н. АНОРБОЕВ**

## Замонавий техника асосида

***Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази мамлакатимиздаги 17 та турдош корхона орасида ўз нуфузига эга. Бу ердан хорижий вакиллар, водийдаги турдош корхоналар раҳбарларининг қадами узилмайди.***

# Дадил қадам



Яқинда Жанубий Кореянинг бир гуруҳ мутахассислари марказда бўлиб, жамоа фаолиятига юқори баҳо беришди. Иш жараёнлари замонавий техника зиммасига юклатилгани ва ходимларнинг уларни маҳорат билан бошқараётганидан мамнун бўлишди.

Айни пайтда, корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, талаб даражасида хизмат кўрсатилмоқда. Беш йил аввал маҳсулотлар Тошкентга олиб борилиб, синов баённомалари олингандан сўнггина мувофиқлик сертификати расмийлаштириларди. Бу эса мижозларнинг эътирозига сабаб бўларди. Ҳозир 84 турдан ортиқ маҳсулот тақдири шу ернинг ўзида ҳал қилинаяпти.

Таркибида метрология, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш, корхоналарда сифат тизимини жорий этиш бўлимларини Алишер Олимов, Татяна Птухина, Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов каби малакали мутахассислар бошқаришмоқда. 3 та лаборатория аккредитланган 12 та синов лабораторияси билан ҳамкорлик шартномаси асосида ишлаяпти.

Фаолиятини нулдан бошлаган корхона 2003 йили 11 млн., 2004 йили 27 млн., 2005 йили 54 млн., 2006 йили 72 млн., 2007 йили 123 млн. сўмдан ортиқ соф фойда олишга эришди. Жорий йилнинг 6 ойида режадаги 177 млн. 160 минг сўмлик ўрнига 216 млн. сўмлик иш бажарилди. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши бир йилда 30 фоиз ошди. 6 ой мобайнида 3 млн. сўмга яқин маблағ хайрия жамғармаларига берилди. Бўлим ва лабораториялар таъмирланиб, кенгайтирилди. Ҳозир метрология бўлими янги бинода жойлашган. 11 млн. 500 сўмга сотиб олинган «Дамас» машинаси, хизмат кўрсатишга мослаштирилган 15 тонали автомобил тарозиси мижозлар ишини енгиллаштирмоқда.

Корхоналарда сифат тизимини жорий этишга мамлакатда биринчи бўлиб киришилган эди. Ҳозир «Азот», «Фармой», «Қувасойцемент», «Кварц», «Автоойна» каби корхоналар шу услубда иш олиб бормоқда. Корхона 2007 йили «Русский регистр» сертификатлаштириш ассоциацияси ва 36 та халқаро сертификатлаштириш идоралари фаолиятларини такомиллаштирувчи IQNET ташкилотининг халқаро Исо 9001-2000 стандарти тўғри йўлга қўйилганини тасдиқловчи сертификатини мамлакатимизда биринчи бўлиб қўлга киритди.

Корхонанинг бу дадил қадамида касаба уюшмасининг хизмати катта албатта. Уюшманинг 52 нафар аъзосига бошчилик қилаётган Муқаддасхон Собирова корхона шаънини ўз шаъни деб билади, жамоани ҳам шунга даъват этади.

— Корхона маъмурияти ва касаба уюшмасининг эътибори яхши иш шароити яратилиши кишилар саломатлигига қаратилган, — дейди М.Собирова. — Ҳар йили ходимларни соғломлаштириш учун 800 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Шу пайтгача 10 киши турли соғломлаштириш масканларида дам олди, 17 киши эса Бухоро саёҳатида бўлди.

Жамоанинг йилни муваффақиятли тугатишга ишончи комил. Корхонанинг ривожига тамал тошини қўйган Шавкатжон Жўраев (ҳозир у «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари) ишини давом эттираётган Улуғбек Аббосов устоз изидан бориб, жамоани янги ютуқлар сари дадил бошлаб бормоқда.



**Шаҳобиддин ЗУҲРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси**

## Бор бўл, оқибат

***Оила жуда танг аҳволда қолиб, хонадон соҳиби Холмат Ниназаровнинг боши қотди. Нима қилсин? Қайга борсин? Холмат ўз ёғига ўзи қоврилиб турганда, уни дараклаб уч-тўрт киши кириб келди. Меҳмонлардан бири ногиронлар жамияти Ховос туман бўлими раиси Эсонбой Ботиров эди. У салом-аликдан сўнг меҳмонларни таништирди.***

# Ногиронлар доимо эътиборда

— Оилавий шарт-шароитингиздан хабарим бор, — деди Э.Ботиров. — Руҳингизни чўктирманг, ака, қандай ёрдам керак бўлса, мана Собиржон Шокиров турибди. Бу киши ўзимизнинг тадбиркорлардан.

Шу куни туманнинг Бобур маҳалласида яшовчи Холмат Ниназаров хонадонига бир олам қувонч кирди. Ногирон фарзандлар Холмамат, Шермамат, Оймаматларга совға-саломлар улашилди. Оилага озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилиб, рўзғорлари бут қилинди. «Карвонсарой» маҳалласида яшовчилар 1-гуруҳ ногирони Мухтор Эсонбоев, Карим Ҳалимовларга ҳам ана шундай иззат-икром кўрсатилди.

Ногиронлар жамияти туман бўлимининг хайрли ишлари кўп. Бўлим ходимлари туман ҳудудида тўшакка михланиб ётиб қолган 809 нафар ногирон ҳолидан мунтазам хабар олиб бормоқда. 12 нафар ногирон Янгиер шаҳридаги ўқув марказида компьютер оператори, сартарошлик, тикувчилик курсларида бепул ўқитилди. Курсни битирганларнинг барчаси туман Бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда доимий иш билан таъминланди. Ногиронларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш, яхши дам олишлари борасида ҳам бир қатор хайрли ишлар бажариляпти. Ўтган давр давомида 45 нафар ногирон турли сиҳатгоҳларда даволанди. 35 нафари эса Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида саёҳатда бўлдилар.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

# Ҳарбийлар ташаккури



Президентимизнинг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ватан ҳимоячиларига нисбатан кўрсатилган катта ғамхўрликнинг ёрқин исботидир.

## Мардлар қўриқлайди

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугун ҳарбий хизмат нафақат йигитлик бурчини адо этиш, балки орзу-ҳавас, юксак мақсад ва шон-шараф ишига айланмоқда.

Ватан ҳимоячилари деганда, билаги кучга тўлган, дунёқараши кенг, билимдон, зеҳни ўткир, ҳушёр ва серғайрат, ҳарбий билимларни пухта эгаллаган асл йигитларни кўз олдимизга келтирамиз.

Косон туманининг Пудина қишлоғида вояга етган Ҳусан Набиев ана шундай фидойи ёшлардан. Оддий аскар Ҳусанжон ҳарбий хизматни виждонан адо этиб, жанговар ҳарбий техникадан фойдаланиш сирларини пухта эгаллади.

Хизматни адо этиш йўлидаги фидойилиги муносиб баҳоланди. Яқинда республика мудофаа вазиридан отаси Суюн Набиев номига «Ташаккурнома» келди.

— Истиқлол шарофати билан ҳарбийликни ўз қисмати, ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган янги ватанпарвар авлод юзага келди, — дейди туман мудофаа бўлими бошлиғи А.Ортиқов. — Юртимиз сарҳадларини ҳушёр туриб ҳимоя қилишга қодир ёшлар туманимизда кўпайиб бормоқда. Улар ҳарбий хизматни аъло даражада адо этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳаво қўшинлари ҳарбий бўлинмасида Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан ўтаётган Ҳусан Набиевга барча қишлоқдошлари ҳавас қилаётир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**




# «Зомин» фермерларни чорлайди



**Чарчадингизми? Дам олмоқчимисиз? Унда Жиззах вилоятидаги «Зомин» санаторийсига келинг. Қишда-иссиқ, ёзда салқин.**

Арчазорлар билан қопланган тоғ орасида, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган «Зомин» санаторийси соғлиқни тиклаш ва дам олишга жуда қулай. Ҳавосининг тоза ва мўътадиллиги, кислородга бойлиги туфайли нафас органлари ва асаб тизими хасталиклари учун шифобахш таъсирга эга.

Сиҳатгоҳ биноси 7 қаватли. Даволаш, ташхис бўлимлари 1 — 2-қаватларда жойлашган. Бўлимларда хушбўй ванна, фитобар, катталар ва болалар учун ҳовуз, сауна, сунъий иқлим билан даволаш зали, стоматолог, кардиолог, гинеколог, рентген лаборатория-ташхис хоналари бор. Шунингдек, сув ости массажи, парафин билан даволаш, юқори ва паст частотали ултратовуш билан даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Санаторийда асосан сурункали астма, бронхит билан оғриган беморлар даволанганлиги боис галатерапия (сунъий туз билан даволаш) ташкил қилинган. Маскан атрофидаги доривор ўтлардан фитобар хонасида ўн хил дамлама тайёрланади. Шифокор тавсияси билан даволанувчилар санаторийдаги 2 та дорихонадан керакли дориларни олиши мумкин.

**Даволаш-гимнастика залида:** нафас йўллари; асаб тизими; ҳаракат-таянч; юрак-томир; болалар касалликлари асосида даволаш машқлари олиб борилади.

Санаторий ошхонасида шифокор тавсияси билан витаминли салатлар берилади, шарбат, дамламалар ичиш тавсия қилинади. Бу даволанувчиларнинг саломатлигини тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Дам олувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун 250 ўринли клубда кинофилмлар намойиш қилинади, концерт ва адабий кечалар ташкил этилади.

Шахмат, шашка, теннис, волейбол, футбол мусобақалари ҳам ўтказилади. Кутубхона мавжуд.

**Улдона АБДУРАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

**Пахтани бежизга оқ олтинга қиёслашмайди. Чунки унинг чигитидан толасигача, поясидан момиғигача қайта ишланиб, турмушимиз учун кунда, кунора асқотадиган зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Лекин бу бебаҳо неъмат айни вақтда машаққатли меҳнатни тақозо этади. Қишнинг совуқ кунларида ерни шудгор қилган деҳқон эрта баҳорда уни экишга тайёрлайди, чигит қадаб, унинг униб чиқишини интиқиб кутади. Баҳор ёмғири ернинг қатқалоқ бўлиб қолиши, нозик ниҳолларни қийнаб қўйишидан ўз жони оғригандек озорланади. Ҳар бир ғўза ниҳолига меҳр кўрсатади...**

# Фаровон ҳаёт сари




Каттақўрғондаги «Баҳри бобо» фермер хўжалиги ҳар йили ерга ишлов беришда техникадан қийналарди. Хўжалик раҳбари ўйлаб-ўйлаб бу муаммони ҳал этиш учун туман «Пахтабанк» филиали кўмагидан фойдаланишга қарор қилди. Ўз навбатида филиал ходимлари ҳам уни қўллаб-қувватлашди. Кўп ўтмай фермер хўжалиги банкнинг муддатли кредити эвазига ВТ-100А маркали трактор сотиб олишга муваффақ бўлди. Ҳозирда фермер ушбу трактор ёрдамида ўз ерига ишлов берибгина қолмай, қўшни хўжаликларнинг ҳам мушкулини осон қилиб, 10 млн. сўмдан ортиқ фойда кўрди.

Мижозга сифатли ва самарали хизмат кўрсатишда минибанкларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан жойларда кўплаб бўлимлар очилмоқда. Ҳозирги пайтда, 19 та филиал, 45 та минибанк ҳамда 18 та махсус касса 16 мингдан ортиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда.

— Вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида «Техника ва эҳтиёт қисм етказиб бериш» дастури ишлаб чиқилган, — дейди бошқарманинг бўлим бошлиғи Ш.Сатторов. — Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида қишлоқ хўжалик корхоналарига 12 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Бу маблағлар ҳисобидан 33 та дон ўриш комбайнлари, 54 та чопиқ тракторлари ва бошқа ёрдамчи техника ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Шу билан бирга ушбу маблағлар ҳисобидан наслли чорва моллари сотиб олиш учун 3 миллиард сўм ва картошка уруғи учун бир миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди.

Кези келганда, банк беш мингдан зиёд фермер хўжалигига 30 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратгани бугун ўз самарасини бериб турганини таъкидлашни истардик. Банк мижозлари бўлган фермерлар ўтаётган йилда 43 минг гектар майдонга экилган чигитдан 112 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси ҳамда 43,4 минг гектар майдонга қадалган дон уруғидан 122,2 минг тоннадан ошиқ ғалла ҳосили йиғиб олишди.

Меҳнат инсон ҳаётига мазмун киритади, оиласининг таъминотини яхшилайди. Зеро, «Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир!» деган шиорни устувор йўналиш этиб белгилаган банк буни амалда исботлашга эришмоқда, дейиш мумкин.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мингдан ортиқ кичик бизнес субъектига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 4,2 млрд. сўмлик кредит ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 140 фоизга ошди. Хусусан, 350 нафардан ортиқ тадбиркор аёлларга 690 миллион сўм, юздан ошиқ ёш оилаларга 550 миллион сўм, касаначиликни ривожлантириш учун 200 миллион сўм ажратилгани эътиборга лойиқдир. Буларнинг ҳисобига 1500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Банкнинг жамланма капитали йил бошида 10,7 млрд. сўмни ташкил қилди. 2008 йилнинг 9 ойлик якуни бўйича эса бу кўрсаткич 12,4 млрд. сўмга етди. Йил охиригача уни 18,2 млрд. сўмга етказиш мўлжалланган. Банк активлари жорий йилнинг 1 октябрида 94,9 млрд. сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 34,3 млрд. сўмга ошди.

1 октябрда банк кредит қўйилмалари 68 млрд. сўмни ташкил қилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб қилиш бугунги кунда банклар олдида турган муҳим вазифалардан бири. Чунки бу ҳам банк, ҳам аҳоли учун фойдалидир. Буни яхши англаган бошқарма маъмурияти кейинги вақтларда бир нечта омонат турларини жорий этди.

Жумладан, банкда аҳолининг барча қатламларига мансуб 20 дан зиёд омонат турлари мавжуд. Йиллик 18 фоиз миқдорида устама тўланадиган ҳамда омонатни сақлаш муддати тугагандан сўнг йиллик 8 фоизгача бонус ҳисоблаб бериладиган «Замин» ва «Ҳумо» омонатлари ҳам жорий этилган.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 20 февралда эълон қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари ўтказилиши натижасида 1 октябргача омонатлар қолдиғи 13,7 млрд. сўмга етди, шундан жамғарма ва муддатли омонатлар 10 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк филиалларида нақд пул тушумини кўпайтириш ҳамда банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш мақсадида қишлоқларда 70 дан ортиқ чакана савдо дўкони ташкил қилиниб, 500 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада, ушбу дўконлар томонидан банк кассаларига топшириладиган бир ойлик нақд пул тушуми 1,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 150 дан зиёд фуқаро иш билан таъминланди.

Бошқарманинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш борасидаги ишлари ҳам мақтовга лойиқ. Якунланаётган йилнинг 1 октябригача вилоят бўйича 159,1 млрд. сўм нақд пул тушумига эришилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56 млрд. сўм кўпдир.

Йил бошида 60 мингта пластик карточкадаги маблағ қолдиғи 1,8 млрд. сўм эди, 1 октябрда карточкалар сони 89 мингтага етиб, улардаги қолдиқ маблағ 10 млрд. сўмни ташкил қилди. Йил бошида 198 та савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига терминаллар ўрнатилиб, улар орқали жами 6,9 миллиард сўм савдо айланмаси амалга оширилганди. 1 октябр ҳолатига терминаллар сони 259 тани ташкил этмоқда ҳамда улар орқали 9, 7 миллиард сўм савдо айланмалари қайд этилди.

Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш банк кредит сиёсатининг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. 800 дан ошиқ ёш оилаларга радио-электрон ва маиший асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 550 миллион сўм, 600 дан зиёд ёш оилага мебел ва уй жиҳозлари харид қилиши учун 700 миллион, 450 дан ортиқ оилаларга уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун 150 миллион сўм кредитлар берилди. Аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида туманларда банк ташаббуси билан ишлаб чиқарилаётган молларни истеъмол кредити эвазига сотадиган йигирмадан ортиқ дўконлар ташкил қилинди.

Банк ходимларининг барча ҳаракатлари мижозлар манфаатига хизмат қилаётир. Зеро, мижоз манфаатлари устуворлиги банк ривожини таъминловчи энг муҳим омилдир.

**Шухрат СУЯРОВ**

(h)

# Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Тармоқ ходимлари ва барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган «2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» билан самимий қутлайди.
Йилнинг тўрт фаслида фаолият юритаётган, шифобахш, табиий иқлим, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга бўлган, замонавий жиҳозланган санаторийларимиз

**Сиз азизларга мунтазир!**



## 22 декабр — Энергетиклар куни

***Мамлакатимизнинг барча энергетиклари қатори, «Қорақалпоқэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг 1600дан зиёд ишчи-хизматчиси ҳам эл - юртга нур таратишдек эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилаяпти.***

— Қиш энг масъулиятли палла ҳисобланади, — дейди жамият бош муҳандиси Хўжааҳмад Жақсимов — Айнан шунинг учун ҳам мавсумга ҳар қачонгидан жиддий ҳозирлик кўрдик. Режада белгиланган барча ишлар вақтида ва сифатли амалга оширилди. Шунингдек, жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди.

# Қўлни қўлга бериб

Шубҳасиз, ушбу муваффақиятларда ишчи-хизматчилар меҳнатининг муносиб рағбатлантирилаётганлиги, зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилинаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Бу ўз навбатида, маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида ҳамкорликнинг чуқур йўлга қўйилганлиги, касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасидаги жамоа шартномасида акс этган ишчи-хизматчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш билан боғлиқ шартлар ижроси тўла таъминланаётганлигини ҳам англатади.

Жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Валерий Стаценко 1633 аъзонинг ҳар бирига қадрдон. Унинг бу даргоҳда фаолият бошлаганига 44 йилдан ошди. Ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ тилларини, урф-одатларини яхши биладиган касабақўмни барча ҳурмат қилади.

Мана етти йилдирки, Валерий Стаценко ишончни оқлаш, аъзолар учун янада қулай иш ва дам олиш шароитлари яратиш, саломатликларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш йўлида изланишдан чарчамайди. Яхши ёмон кунида ҳар бир ишчининг ёнида туради.

Энергетика фахрийси Айтбой Сарсенбоев саломатлиги панд бериб, жарроҳлик столига ётаётганида тушкунликка тушмади. Чунки у яқинлари қаторида касаба уюшмаси кўмакдош бўлишини яхши биларди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Жамоа шартномасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида кўмак берилди. Кўзларини операция қилдиришга тўғри келган Сергей Баширов, Жуманиёз Тожибоев ҳам ушбу шартнома талабларига мувофиқ бундай ёрдамдан баҳраманд бўлдилар.



Корхонада тиббиёт хонаси мавжуд бўлиб, йилига икки марта малакали шифокорлар таклиф қилиниб, барча ишчи-хизматчилар бепул кўрикдан ўтказилади. Яқинда касаба уюшма 300 минг сўмликдан зиёд зарур дори-дармонлар олиб берди. Жорий йил 30 дан зиёд аъзо «Ўзбекэнерго»га қарашли санаторийда бепул даволанишди. Бундай имкониятларга эга бўлганлардан бири Қутлимурод Турдимуродов муолажалардан сўнг ўзини янада бақувват ҳис этиб, ишга ғайрат-шижоат билан ёндошаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Чимбойдаги «Иссибулоқ» санаторийсида эса 20 дан зиёд ходим ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Ёшлар йили муносабати билан Кегейли филиали ходими Қосбол Тожиев ўз турмуш ўртоғи билан биргаликда «Умид гулшани» санаторийсида соғлигини тиклади. Соҳа ходимларининг 60 дан зиёд фарзандлари Хоразм вилоятидаги ҳамда республикадаги оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказдилар. Касаба уюшмаси уч йилдирки, Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан 30 нафарининг ҳам ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказишларига кўмакдош бўлмоқда.

— Фарзандларимиз — бахтимиз, — дейди Валерий Петрович. — Уларга ҳар қанча ғамхўрлик қилсак кам. Бу йил 146 нафар ўқувчига 2 миллион 986 минг сўмлик ўқув қўлланмалари олиб бердик. Анъана бир неча йилдан бери давом этмоқда. Жамоа шартномаси асосида аъзоларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга ҳам кўмакдош бўлинмоқда. Йилнинг 9 ойи давомида 40 миллион сўмдан зиёд қўшимча нафақа тўланди, тажрибали ишчи-хизматчилар юбилейлари муносабати билан 19 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди, меҳнат таътили пайтида саломатликларини мустаҳкамлашлари учун 43 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам ажратилди.

— Очиғини айтсам, бу ерга ишга келгунимча касаба уюшмасининг иши осонга ўхшаб туюларди, — дейди касаба уюшма қўмитаси ҳисобчиси Зуҳра Абатова. — Йўқ, ундай эмас экан. Ҳар байрамда, юбилей саналарида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан тадбирлар уюштирамиз, танловлар ташкил қиламиз. Айниқса, спорт мусобақаларидан: кураш, волейбол, теннис, шахмат-шашка, мини футбол спартакиадаларида ҳамкасбларимиз фаол иштирок этишди.

Айни пайтда Энергетиклар кунини муносиб нишонлаш устида бош қотиряпмиз. Шу куни ёш ходимлар ўртасида танлов ўтказамиз. Шунингдек, узоқ йиллар ушбу жамоада меҳнат қилган Коптилеу Кулатаевнинг 70 йиллигини нишонлашга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда.

— 2009 йилнинг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига йўналтирилганлиги зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди касабақўм раиси. — Ахир, қишлоқларимизнинг юксалиши ҳам соҳамиз ходимлари етказиб бераётган электр энергияси билан бевосита боғлиқ. Шундай экан, кейинги йилда фаолиятимиз янада қизғин кечади.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**




## Шаҳар бедарвоза эмас

***Бир вақтнинг ўзида бемор қария ва мактаб ёшидаги болани касалхонага келтиришганда тунги соат ўн бирлар чамаси эди. Шифокорларнинг айтишича, отахон уй деразаси олдида тўсатдан қарсиллаб отилган шовқиндан аҳволи ёмонлашиб, хушидан кетган. Боланинг эса юз-кўзи ва қўллари куйганди.***

# Ташвишни сотиб олманг

Бу воқеани эшитган кишининг кўз ўнгида бозорларда гоҳи очиқчасига, гоҳида яширинча сотилаётган пиротехника маҳсулотлари намоён бўлади. Унинг савдоси асосан кеч куздан бошланиб, Янги йил арафалари «гуллай» бошлайди. Болалар учун ўйинчоқ сифатида сотилувчи, аслида ҳаммага ташвиш келтираётган бу маҳсулотларнинг қаердан ва қайси йўллар билан келтирилаётганлиги эса ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Хитой мушаклари, бенгал шамлари, петардалар... яна аллақандай номлар билан аталувчи бу «ўйинчоқлар» отилганда болаларнинг кўзларини кўр, қўллари ва юзларини куйдириб, ногиронлик балосига мубтало қилишини, юраги хаста кишилар ва ҳомиладор аёлларнинг уволига қолиш мумкинлигини ушбу молларни сотаётганлар тушунишганида эди...

Пиротехника маҳсулотларининг Тошкент шаҳридаги Эски Жўва, Ўриксор, Отчопар, Қўйлиқ, Янгиобод сингари бозорларида пайдо бўлиши ва сотилиши салбий ҳолатлардан бирига айланди. Кўпроқ болаларга тан жароҳати етказувчи турли шакл ва кўринишдаги мушаклар, петардаларнинг лар, шамбайрамларда, айниқса,

### Пиротехника-хира техника

Янги йилни кутиб олиш кечаларида болалар томонидан отилиши оқибатида бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмоқда. Бундай «ўйинчоқ»ларнинг шаҳар, сўнгра туманлардаги бозорларда ноқонуний равишда пайдо бўлиши ва яширинча пулланишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан 2008 йиллар давомида қатор ишлар амалга оширилди.

Бунда ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари қатори Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг вилоятлар, шаҳар ва туманларидаги бўлимлари ҳамда бўлинмалари ҳам фаол иштирок этишди. Ана шундай мақсадларда тузилган 246 та гуруҳ барча жойларда олиб борилган тўққиз мингга яқин рейд-текширув жараёнида нопок шахслар томонидан сотилишга қўйилган 109 минг қутидан ортиқ петарда, 6 мингдан ортиқ салют ва бошқа пиротехника маҳсулотлари мусодара қилинди. Пиротехника маҳсулотлари билан савдо қилаётганда фош этилган ўнлаб шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Яқинлашиб келаётган 2009 йилни кутиб олиш даврида пиротехника маҳсулотлари ноқонуний савдосининг олдини олишга қай даражада ёндошилмоқда? Шубҳасиз, ўтган йиллардаги каби бу йил ҳам ана шу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг барча тизимлари қатори республика Ёнғин хавфсизлиги хизматида ҳам муайян иш режалари тузилган. Шу асосда пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний савдосига йўл қўймаслик, ёнғин чиқариш ва болаларнинг ногирон бўлиб қолишига сабабчи бўладиган ҳар қандай маҳсулотларни йўқ қилиш мақсадларига қаратилган тадбирлар амалга ошириб келинаётир.

Бундай маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси катта кўнгилсизликларга олиб келишини жамоатчилик яхши англаб етиши ва шундай ҳолатларга қарши курашишда давлат идоралари ва ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари зарур.

**Абдумутал АВАЗОВ,**
**Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди катта инспектори**

# Халқ ҳақига хиёнат қилманг



Халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳимояси, қолаверса, саломатлиги муҳофазаси, таълим соҳасини янада ривожлантириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ҳамиша биринчи даражали вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Давлат бюджети эса айнан давлат ғазнасининг салмоғига қараб тузилади. Афсуски, баъзи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари давлат ва халқ олдидаги бурчини унутиб қўядилар. Натижада, солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорлик ортиб бормоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган тадбирларда 487 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, бундай ҳаракатни содир этувчилардан 1 млн. 70 минг 300 сўмлик товарлар олиб қўйилди, 345 та жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, давлат ва хўжалик юритувчи субъектларга 3 млрд. 754 млн. сўмлик зарар етказилгани аниқланиб, шундан 158,6 млн. сўми ундирилди. Жиноят ва маъмурий ишлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан 6 млрд. 995 млн. сўмлик жарима солинди.

Валюта операциялари билан боғлиқ қонунбузилишларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларда ноқонуний муомалада бўлган 55337 АҚШ доллари, 850100 Қозоғистон тенгеси, 29,2 млн. сўм, 101900 Россия рубли, 510 евро далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Яширин иқтисодий фаолиятга барҳам бериш борасида бошқарма ва ҳудудий бўлимлар томонидан мунтазам равишда махсус тадбирлар амалга ошириб борилиши натижасида 33 та яширин цех фош этилди.

Қонунбузилишларнинг олдини олиш масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб боришга эътибор қаратилиб, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар ташкил қилинаяпти.

**С.БОЛТАБОЕВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси йиғма ахборот таҳлил таъминлаш бўлими бошлиғи**

***Тарбияли бўлиш ҳаёт машаққатларини сабот билан енгиб ўтиш демакдир. Тарбиясизлик учун эса ҳеч нарсанинг кераги йўқ, кўнгил тусаган жойга ўзи етаклаб боради.***

### Огоҳ бўлинг, товламачи!

# Кўзнинг чўпдан ҳадиги бор

Чилонзор тумани Сегизбоев кўчаси, 8-А уйда жойлашган «Ҳамдард амир» масъулияти чекланган жамиятига қарашли дорихона раҳбари Мирнаби Миралимов ўзига рўбарў қилинган гувоҳномага илкис кўз ташлади-ю, ранги қочди. Кимсан, Ўзбекистон Республикаси Монополия, прокуратура, департамент бўлим бошлиғи муовини шахсан ҳужжат кўрсатади-ю, чўчимай бўладими!

Иш бор жойда, албатта, бирон-бир камчилик-нуқсон топилади. Беписандлик ва юқоридан туриб берилган саволлар, табиийки, Мирнабини ҳам шоширib ташлади. Баъзи нарсаларга эпақали жавоб қила олмади. Очиғи, қўрқди. Муроса йўлини танлашни маъқул билди. Қолаверса, текширувчининг ўзи ҳам «коса таги ним коса» қабилида гап йўриғини шу томонга бураётгани, унинг назарида, келган бало-қазони қайтариш йўлини кўрсатгандек бўлди.

Қандайдир ярим-бир соат ичида шамоллаган чўнтаги 200 минг сўмни гумдон қилгани Носирхожа Муротхожаевни руҳлантириб юборди. 2008 йилнинг май ойи охирларида юз берган воқеага ҳеч қанча фурсат ўтмай, яъни 4 июн куни ўн яримларда у Тошкент тумани Кўктерак бозори ҳудудидаги 19-уйда жойлашган дорихонага аввалгидан-да савлат тўкиб кириб борди. Яна юқоридаги ҳунар кўрсатилди. «Илҳом ота» МЧЖ раҳбари Тоҳир Илҳомов текширув ўтказилмаслиги эвазига 60 минг сўмни қуртдек санаб Н.Муротхожаевнинг қўлига тутқазди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари шу бўлса керак-да, эртасига, бир кун илгари бўлгани каби роппа-роса соат ўн яримларда «Ўзбекистон Республикаси Монополия, прокуратура, департамент» бўлим бошлиғи муовини Учтепа тумани Журжоний кўчаси, Замахшарий 2-тор кўчаси, 1-Б уйда жойлашган дорихонада пайдо бўлди. У шу куни «Магнус — альфа» МЧЖ жамияти раҳбари Отабек Баракаевга «илтифот» кўрсатди. «Арзимаган» 50 минг сўмни олиб, бундан бу ёғига эҳтиёт бўлиб ишлашни тайинлаган ҳолда, ортиқча қийнаб ўтирмасликка қарор қилди.

Орадан икки кун ўтди холос. Энди Носирхожа қўйган тузоққа Мирообод тумани Мовароуннаҳр кўчаси, 45-уйда жойлашган дорихона сотувчиси Лусина Ходжабагян илинди. У ҳам бошкўзимдан садақа деб текширувчига 50 минг сўмни тутқазиб юборди.

Нафс ёмон нарса, у бир ҳакалак отса, унча-мунча одам лаблунжини йиғиштириб ололмайди. Июн ойи ўрталарида Чирчиқ шаҳар Ш.Рашидов кўчаси, 29-уйда жойлашган дорихонада навбатдан ташқари текширув ўтказган Н.Муротхожаев пачакилашиб ўтирмади. Хизматлари эвазига ЧФ «Дармон шифо фарм» хусусий корхонаси раҳбари Алтинхан Абдуллаевадан 500 минг сўм санаб олди.

Хуллас, дорихоналарни текширишга «ихтисослашган» Носирхожа Муротхожаев арзимаган вақт ичида, яъни май ойи охири ва сентябр ойи бошларига қадар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 47 та дорихонани элакдан ўтказган. Ҳайрон қоларли томони шундаки, у баъзи дорихоналарда текширув ўтказиш тўғрисидаги дафтарга ўз номини қайд этишдан ҳам тап тортмаган. Қилдан қийиқ ахтариб, борган жойидан қуруқ қайтмаслик пайида бўлган ва бунга эришган ҳам. «Тажриба»си ошган сари, нуқсон-камчиликларни «ёпиб» кетиш учун салмоқлироқ пул талаб қилган. Дейлик, Чилонзор тумани Ц-мавзе, Чўпонота кўчаси савдо растасида жойлашган «Нодир-мухлис» МЧЖга қарашли дорихонада 17 июнда текширув ўтказиб, корхона раҳбаридан 700 АҚШ доллари сўраган бўлса, тўққиз кундан кейин Собир Раҳимов тумани Фаробий кўчаси, 61-уйда жойлашган «Баҳриддин — доно» МЧЖга қарашли дорихонадаги камчиликларни хас-пўшлаб кетиш эвазига жамият раҳбари Нугмонхўжа Султоновдан оз эмас, кўп эмас, нақд 1 миллион сўм олган.

Халқимизда «кўза кунда эмас, кунида синади», деган нақл бор. Ниҳоят, 3 сентябр куни Носирхожа Муротхожаев ҳамма ҳам бурнидан ип ўтказиб, қаёққа тортса кетавермаслигига ишонч ҳосил қилди. У одатдагидек куннинг биринчи ярмида, соат тахминан 12 ларда навбатдаги дорихонага кириб, ўзини Соғлиқни сақлаш вазирлиги мониторинг бўлими ходими сифатида таништириб, қизил муқовали, давлат герби туширилган гувоҳномани кўрсатиб, текширув ўтказа бошлади. Барча ҳужжатлар жойида эканлигига амин бўлган Н.Муротхожаев тирноқ орасидан кир қидиришда давом этиб, болалар сўрғичининг ҳужжати билан қизиқсинди. Унга дорихонада сўрғич йўқлигини айтишгач ҳам шаштидан қайтмади. Ва унинг ғалати хатти-ҳаракатларидан гумонсираб, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги департаментга қўнғироқ қилишди...

Сал кунда Носирхожа Муротхожаевнинг ҳеч қандай орган ходими эмаслиги, кўпчиликнинг юрагига ғул-ғула солган 79797-рақамли гувоҳнома ҳам қалбаки эканлиги маълум бўлди. Яна шу нарса маълум бўлдики, муқаддам судланиб, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармон туфайли жазодан қутилиб қолган, аммо тавбасига таянмаган. 2007 йил 14 июнда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди томонидан ЖКнинг 169-моддаси, 3-қисми «в» банди, 168-моддаси 2-қисми, «б» банди билан 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ўша йил 30 ноябрда жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ажримига кўра, ўталмаган жазо муддати ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида давлат даромадига ушлаб қолиш билан 9 ой 17 кунга алмаштирилган. Шунга қарамай, у яшаш жойи бўйича ИИБ Жазони ижро этиш инспекциясида рўйхатдан ўтмасдан, 2008 йил 3 июн санаси билан жиноят ишлари бўйича С.Раҳимов тумани судининг ажримига асосан қидирувда бўла туриб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишдан бош тортиб юргани етмаганидек, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ундан фойдаланиш, фирибгарлик, товламачилик ва пора беришда иштирок этиш жиноятларини содир этган.

Албатта, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Лекин кишини ажаблантирган нарса бошқа. Яъни, ўнлаб одамлар унинг найрангига лаққа тушиб, билиб-билмай бир фирибгарнинг ўчоғига ўтин қалаб юрганида. Кўзнинг чўпдан ҳадиги бор, деганлари шумикин-а?

**Абдужаббор МУЛЛАЖОНОВ,**
**Тошкент шаҳар СВОЖЖДЛҚК департаментининг шахсий таркиб бўйича бўлим бошлиғи**

# Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши



*Жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг меҳнатсевар ва фидойи халқини, жумладан, шарафли касб эгалари бўлмиш тиббиёт ходимларини келаётган Янги йил билан муборакбод этади.*

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидаги заҳматли меҳнатингизда улкан зафарлар ёр бўлсин! «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳар бир оила учун қутлуғ ва хосиятли келсин.**





# «Умид гулшани санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси







**Юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади ва мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф қилади.**

*Санаторий аёллар ва эркакларда учрайдиган бепуштликни даволашга ихтисослашган бўлиб, қишин-ёзин барча шароитларга эга. Бу ерда аёллар, эркакларда учрайдиган хасталиклар, бепуштлик, асаб, бўғим касалликлари ҳамда эндокрин безлар хасталикларини даволашда юқори тажрибали, олий тоифали гинеколог, андролог, уролог, невропотолог, эндокринолог, физиотерапевт ва стоматологлар хизмат қилмоқда.*

*Ташхис-даволаш бўлимида жаҳон андозаларига мос замонавий УТТ, ЭКГ, ИФА (иммуно-ферментли анализатор) аппаратлари ишлаб турибди. Улар ёрдамида қондаги инфекция, гормон, қанд миқдорларини аниқлаш имконияти бор; клиник лаборатория хизматларидан, турли замонавий физиотерапевтик даво усулларидан, маъданли балчиқ ванна ва аппликацияларидан, доривор гиёҳли дамламалардан, уқалаш, сув остида уқалаш, нина билан, шунингдек, ташхисга асосан жисмоний машғулотлар ёрдамида даволаниш ҳамда замонавий тренажёр, сауна, сув ҳавзаларидан, оғриқсиз стоматология хизматларидан фойдаланиш мумкин.*

*Оилавий дам олувчилар учун ёток бўлимларида барча шароитларга эга коттеж, «люкс» хоналар мавжуд.*

*Яхши дам олиб, буюртмага асосан тўрт маҳал овқатланиш учун ширин, лаззатли, парҳез таомлар, мавсумга қараб витаминли столлар мавжуд. Кутубхона, ёзги ва қишки чойхона, рақс тушиш саҳнаси, диско клуб, теннис, волейбол майдончалари ва турли спорт анжомлари дам олувчилар ихтиёрида. Талаб ва истакларга кўра шаҳар бўйлаб экскурсиялар ташкил қилинади. Санаторийнинг ўзида кинофилмлар намойиш этилади.*

**Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 1-уй, (8-37095) 61-955, (8-371) 289-20-92.**

# Устун



**Очерк**

Одатда муайян юкни гарданига олган восита устун дейилади. Орамизда фидойилиги, куйинчаклиги билан устунга менгзаладиган одамлар оз эмас. Улар жамоанинг таянчи, маслаҳатгўйи.

Толиб акадан ҳеч ким амалини сўрамаган. Сўз бошладими, тамом. Икки оғиз гапиданоқ қаршисидаги одам ўз ташвиши билан эмас, бировлар кўйида ёнаётган киши сийратини кўради. Унинг суянчи ҳам, таянчи ҳам қонун. Муаммолар ечимида ҳаёт мезонларига суянади, холос.

...Оқдарёдан ташвишли хабар олди. Коммунал хизмат ходимлари анча фурсатдан буён ойликларини ололмаётган экан. Кўз ўнгидан ҳамкасблари ўтди. Каллаи саҳарлаб қўлда белкурак, супурги билан хиёбону кўчаларга саришталик олиб кираётганлар меҳнати нега беэътибор қолди? Арзимаган маошига ҳам ким зориқтириб қўйяпти? Эрталаб автобусга ўтириб, туманга қандай етиб келганини билмайди. Ўша раҳбар фурсат зиқлигини баҳона қилди. Қараса иши юришадиганмас. Соҳадаги муаммони бу тахлит ҳал қила олмаслигига кўзи етди. Шаҳд билан биринчи раҳбар хонасига беизн кириб борди.

— Сиз қонунларимизга зид иш қилаяпсиз, — деди у раҳбарга қарата.

Кекса одамнинг бу тарздаги ҳаракати раҳбарни ҳайратга солди. Ўрнидан туриб келиб саломлашди. Сўнг Толиб Халиловни ўтирғизиб ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Гапни уёқ-буёққа айлантириб, кейин дангалига кўчди.

— Отахон, бизга ҳам осон эмас. Ҳали қишлоқ хўжалиги, ҳали у-бу юмушлар, туман ташвишлари, хуллас, муаммо кўп, — деди раҳбар. — Сиз назарда тутаётган қонунларда нима дейилган ўзи?

Толиб Халиловга жон кирди. Лўнда қилиб тушунтириб берди. Ўша куни муз жойидан кўчди. Тўрт-беш ойдан буён маош кутиб зориққан ходимларнинг талаби қаноатлантирилди.

Ниятда гап кўп. Толиб Халилов ҳар саҳар остонадан кўчага ҳатлар экан, одатга айланган тилагини пичирлайди. Бугун тўртта одамга яхшилик қилиш менга насиб этсин дея илтижо қилади. Шомгача шу мақсадини амалга ошириш пайида бўлади. У ҳеч маҳал ўзига юмуш изламаган, юмуш уни излаб келади. Эътиборли жиҳати шуки, унинг вазифасига тааллуқлими-йўқми, иккиланиб ўтирмайди. Ёрдам сўрагандан қўлидан келгунча маслаҳати, йўл-йўриғини аямайди.

...Бир куни ишга келса, идораси олдида бир гуруҳ одамлар уни кутиб турган экан. Салом-аликдан сўнг билдики, хусусий автотранспорт ҳайдовчилари. Улар қатнайдиган йўналишда муаммо чиқибди. Толиб Халилов уларга «сизларнинг соҳангиз бошқа, мен бошқа тармоқданман» деб ўтирмади. Муаммони мутасадди раҳбарларни жалб этган ҳолда ҳал этди. Мурожаат қилувчилар мамнун, ташаккур айтган ҳолда хайрлашишди. Орадан бирор ҳафта ўтди чамаси. Идора эшиги олдида сумка кўтарган бир киши турарди. Меҳмон маҳтал қилмасдан муддаога кўчиб қўя қолди. Самарқанд шаҳридаги 15 та йўналишда қатновчи хусусий автотранспорт ҳайдовчиларининг 350 нафари касаба уюшмасига аъзо бўлиш учун ариза берибди. Меҳмон ана шу илтимосномани етказиш учун келган экан. Ҳайдовчилар билан юзма-юз мулоқотда Толиб ака уларга ўз тармоқлари таркибига киришни тавсия этди. Аммо ҳайдовчилар бир овоздан манфаатларимиз ҳимоясида туриб берган тармоқ касаба уюшмаси таркибида бўлишни хоҳлаймиз деб қатъий туриб олишди.

Олтмиш беш ёшдан ошаётган Толиб аканинг кундалигига нигоҳ ташлаймиз. Бир йилда 3416 та ариза қабул қилган. Барча масалаларга ечим топгани тўғрисидаги қайднома ҳайратимизни оширади. Ҳаловат билмайдиган ташкилотчи соҳа ходимлари манфаати йўлида ишлашдан чарчамайди. Турли вилоятларга сафар қилиб ўрганишга арзигулик жиҳатлардан андоза олади.

Тошкентда коммунал соҳа ходимларининг маоши анча баландлигини билиб қолди. Эринмасдан бориб Чилонзор туман тажрибасини ўрганди. Сўнг Андижонга йўл олди. Бу ерда амалиётга татбиқ этилган ҳақ тўлаш тизими билан танишди. Хуллас, ҳамкасбларининг маош олишдаги имкониятини яхшилашни мутасаддилар олдига кўндаланг қўйди.

— Мен суянадиган, таянадиган — қонун, — дейди Самарқанд вилоят коммунал фойдаланиш бўлимларининг бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Толиб Халилов. — Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат кодекси, касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун. Уларнинг ҳар бир моддасини ёдлаб олганман. Иш берувчилар билан қонун доирасида мулоқотда бўламиз. Муаммо йўқ.

Умр йўллари тошқин сойга ўхшаш Толиб Халилов 47 йиллик фаолияти давомида бир қатор соҳаларда тобланди. Самарқанд мусиқа билим юртини тамомлагач, Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туманида мусиқа мактаби ташкил этди. Бугун халқимиз эъзозидаги санъаткорлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулжаҳон Отақулова, Зарифбой Азизов, Нарзиқул Каримов, Соҳибжон Халилов, Адаш Халиловларга устозлик қилганидан фахрланиб юради. У Самарқанд давлат университетини тамомлагач ҳам санъат соҳасидан узоқлашмади. Қарийб қирқ йил Самарқанд туманидаги 40-мактабда ёш авлодга мусиқа фанидан ўриндошлик асосида дарс берди. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига хизмати сингди. Ишчан, толмас инсон умри мобайнида жамоатчилик вазифасидан чекинмади, 1990 — 1993-йиллари Шўрбойи маҳалласи оқсоқоли бўлди. Қишлоқда мактаб, врачлик амбулаторияси қурилишига бош бўлди, мачитни таъмирлатди. Маҳаллада жисмоний тарбия ва спорт равнақ топди. У ташкил этган «Термо» минифутбол жамоаси 2001 йили Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Тарбиялаш қийин бўлганлар рўйхатида турадиган ўсмирлар учун футбол, самбо, дзюдо тўгаракларини ташкил этди. У раҳнамолик қилган «Лидер» самбочилар клуби аъзолари Ўзбекистон ҳамда Осиё чемпиони бўлди.

Йигирма йилдирки, касаба уюшма сардори. Меҳнаткашлар манфаати ҳимоясида собит турибди. Маҳалла нуронийлари сардори айни чоғда Кулбапоён қишлоқ фуқаролар йиғинида маърифат-маънавият ва спорт қўмитаси раиси сифатида ҳам фаолият юритиб келаяпти.

— Толиб ака тармоғимиз фахри, устуни, — дейди енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Зуҳра Матқулова. — Соҳа ходимлари унга ишонишади. Дарду ташвишини яширмасдан айтишади.

Қилинган меҳнат беиз кетмади. Толиб Халиловга берилган фахрий ёрлиқлар лоф-қофи билан нақд бир жомадон. 2002 йили «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. 2006 йилда эса «Республика коммунал хўжалиги аълочиси» унвонига сазовор бўлди. 4 фарзанд, 14 набира, 2 абираси бор.

Умр — оқар дарё. Ҳар куни яхшилик қилишга интилади. Толиб аканинг ҳаёт тарзи шунақа.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

